Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 112 (7. 201) ◎ 1990 йил 19 май, шанба ◎ Баҳоси 3 тийин

Янгиликлар Воқеалар Хушхабарлар

Хайрли иш

⊙ **«СРЕДАЗНИПИНЕФТЬ» институти мутахассислари шаҳримиздаги болалар муассасалари билан яқин ҳамкорлик боғлаган.** Тошкентдаги 29-болалар уйи жамоаси ҳам илмий муассасанинг амалий ёрдамидан айниқса мамнун.

Институт ходимлари ташаббуси билан ўтган йили болалар уйига 375 нусха китоб тортиқ қилинган эди. Бадиий, илмий-техника ва болалар адабиётидан иборат бу нашрлар унинг кутубхонасини янада бойитганди.

Яқинда бундай хайрли иш яна такрорланди. Бу сафар институт ходимларидан З. Иванова, Е. Игнатенко, Ф. Корнева ва бошқалар яхши ҳиммат кўрсатдилар. Т. Попова ҳадя қилган китоблар сони эса 150 тадан ошиб кетди. Бу адабиётлардан бир нечтаси ўз туғилган кунларини нишонлаётган болаларга шахсан армуғон этилди.

С. ОБИДОВА.

Мусаввир билан мулоқот

⊙ **ФРУНЗЕ районидаги 73-ўрта мактабда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти қошидаги бадиий-графика факультети ранг-тасвир кафедрасининг ижодий жамоаси билан учрашув бўлиб ўтди.**

Унда ўқувчиларнинг СССР Рассомлар уюшмасининг аъзоси, жумҳуриятимизнинг таниқли мўйқалам соҳиби, кафедранинг катта ўқитувчиси Ғофир Абдурақмоновнинг ижоди билан таништидилар.

Мусаввир асарларидан кўргазма ташкил этилди. Ундан мусаввирнинг ўтмишимиз ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий характердаги полотноларн, юртимиз тўкинчилигини кўрсатувчи натюрмортлари, диёримиз кўринишларидан лавҳалари, Кавказ ўлкаси қақидаги туркум манзаралари, турли соҳа илғорлари портретлари ва бошқа қатор асарлари ўрин олган.

Учрашувда мусаввир ўзининг санъатга кириб келиш йўли ва ижоди ҳақида ўқувчиларга гапириб берди. Муаллиф мусаввирлик санъатига қизиққан ўқувчилар саволларига жавоб бериш билан бирга уларга ижодий маслаҳатлар берди.

Кеча сўнггида мусаввир ижодий ҳамкорликнинг бошланиш рамзи сифатида ўзининг уч асарини мактабга тақдим этди.

Д. ЗОКИРОВА.

«Олтин юлдуз» совриндорлари

⊙ **БИЛИМЛАР УЙИДА** кинохаваскорлар клуби иш бошлади. Бу ерда қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатига қарашли «Сплав» халқ кино студияси томонидан суратга олинган фильмлар намойиш этилди.

— Биз ҳаваскорлик жамоаларининг катта экранга чиқишлари учун ҳаракат қилдик. Ҳозир республикамизда 200 га яқин шундай ҳаваскорлик жамоалари ижодий изланмоқда, — дейди клуб раиси Б. А. Хўжаев. — Турли касб эгаларини бирлаштирган ҳаваскорлик студиялари ўз асарларида меҳнат жамоаларн ҳаёти, ишлаб чиқариш илғорлари ҳақида ҳикоя қиладилар, қайта қуришнинг долзарб масалаларини кўтарадилар, ижтимоий-иқтисодий муаммоларга муносабат этадилар. Бундан ташқари, бир қанча жамоалар танловларда, ҳаваскорлик санъати кўрикларида қатнашиб ўз имкониятларини кўрсатмоқдалар. Волгоград шаҳрида 2-8 май кунлари ўтказилган «Олтин юлдуз» Бутуниттифоқ танловига қатнашиб «Сплав» халқ ҳаваскорлик киностудияси томонидан суратга олинган «Қайтиш» фильми учун фахрли иккинчи ўринни ва «Дақиқа ва тақдир» номли ҳужжатли фильмлари учун эса, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

Д. РАУПОВА.

Туб ислоҳот йўлларида

ЭГАЛИК ҲИССИНИ ТУҒДИРАЙЛИК

Тошкент тўқимачилари жумҳурият турдош корхоналари ўртасида биринчи бўлиб ижара пудратига ўтдилар.

БУ ВОҚЕА ижарачиларнинг ўзлари учун ҳам, жумҳурият Енгил саноат вазирлиги тимсолида ижарага берувчилар учун ҳам кутилмаган воқеа бўлмади. Корхонада илгари ҳам, ёмғирдан сўнг пайдо бўлган қўзиқоринлардек меҳнатни ташкил этишнинг янги шаклига ўтган участкалар, цехлар, фабрикалар юзага келган эди. Уларнинг тажрибаси ижара ўзини қай даражада оқлай олганлигини, қай даражада амалий эканлигини ишончли тарзда исботлаган эди. Асосий мутахассислик билан шуғулланувчи ишчиларнинг маоши икки баравар, баъзида эса уч баравар ошиб кетганди, иш вақти бекор кетишига умуман барҳам берилган, маҳсулот сифати яхшиланган эди.

Лекин улар алоҳида, айрим-айрим коллективлар бўлиб, фақат ўз ғамларини ўйлар эдилар. Эскича ишлаётган одамлар шундай ҳисоблашарди. Бошқалар, анча илғор фикрловчи кишилар учун эса пайдо бўлган ижарачилар амалда қизиқиш уйғотарди. Чидай олишармикин? Буни қарангки, бутун бошли қудратли корхона ижарага ўтди, унда 10 мингдан кўпроқ одам ишлайди, 180 миллион сўм миқдорида асосий жамғармаси бор. Шундай экан, ижарага ўтилишини тажриба деб айтиш мумкин бўлармикин?

Бироқ, шунга қарамай, ижарага берувчи бу йўлга жуда машаққат билан қадам қўйди, бу эса шартномада ҳам аниқ-равшан кўриниб турибди. Шартномага биноан, «вазирлик топшириқ беради, корхона эса комбинатни икки йил муддатга ижарага қабул қилади, айни вақтда 1990 йил учун рўйхатга олинган тўловлар тарзида 2500 минг сўм миқдорида ижара ҳақи ўтказиш мажбуриятини олади». Бундай шарт коллектив учун фойдали эканлигини таъкидламоқчимиз.

Хўш, Тошкент тўқимачилари ижара усулига ўтиш учун нега бунчалик ошиқишди? Чунки, дўстларнинг тажрибаси истиқболни яққол кўрсатди. Янги иқтисодий муносабатларнинг фойдали эканлигини биринчилар қаторида ҳис этган ип йигирув фабрикасининг ишчилари «одамлар қаторига қўшилишди». Бир йил илгари коллектив истеъмолчилардан 80 миллион донага яқин ғалтак қарз бўлиб қолганди. Энди нима қилишсин, балки ипларга ҳам патта жорий этиш керакдир. Ҳозир аҳвол ўнгланмоқда.

Кекса кишилар комбинат охирги марта қачон бир маромда ишлаганлигини эслай олмайдилар. Чорак аср бўлдики, ишлари юришмаяпти. Бунинг сабаблари кўп. Техника шу даражада эскирдики, унинг ҳозиргача қандай ишлаётганлигига ажабланасан, киши. Бу ерга ишга келаётган ҳар икки ёш мутахассиснинг бири бир йил ҳам чидай олмайди. Тўқувчилар, йигирувчилар, созловчилар ҳақида гапирмай қўя қолайлик... Шундай бўлгач, комбинат ўтган йили барча кўрсаткичлар юзасидан белгиланган режаларни барбод қилганлигига, 1180 тонна калава, 6687 минг погон метр хом сурп, 68,4 миллион дона шартли ғалтак ип бермаганлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

«Энди иш бундай давом этиши мумкин эмас» — корхона меҳнат коллективининг конференцияси шундай қарор қабул қилди. Туб ўзгартишлар зарур. Фақат ижара усулигина уларнинг бўйнидаги қарздан халос этишга қодир.

Тўқимачиларнинг шошапиша ишга киришмаганликларини, ҳамма нарсани ўйлаб, пухта қилганликларини таъкидлаш лозим. Улар аввалига айрим участкаларда ижара истиқболларини синчиклаб кузатишди. Бўлажак шартноманинг моддий негизини мумкин қадар мустаҳкамлашди. Беш йил мобайнида ишлаб чиқаришда 1,5 минг донага яқин технология усулларини жорий этдилар, бунга 14 миллион сўмдан кўпроқ пул сарфладилар. Тома-тома кўл бўлур деганларидек, тийинлардан яна 3,5 миллион сўм йиғиб, цехларда рисоладагидек иқлимий ҳарорат муҳитини яратиш учун совитгич-компрессор станциясини қурдилар. Беш йилликда асосий ишлаб чиқаришни таъмирлашга жами юз миллион сўмдан кўпроқ пул сарфланди, келаси йилда яна 60 миллион сўм харажат қилиш режалаштирилмоқда. Бу ерда вақт ўтиши билан ҳамма сарф-харажатлар юз баравар бўлиб қайтишига ишонадилар.

Тайёр газламалар хилларини янгилаш устида ҳам ишладилар. Кейинги уч йил мобайнида газлама турлари бутунлай ўзгариб кетди. Кўйлакли газламалар ишлаб чиқариш технологиясини яратдилар. Тўқимачилар шу йилиёқ миллион погон метр ана шундай тақчил газламани истеъмолчиларга етказиб беришни режалаштиришмоқда. Паҳмоқ матони ўзлаштиришга доир ишлар авж олдирилган.

Ҳар ҳолда дастлабки уч ойлик натижалари ҳаммани ҳайратга солди, кўп нарсаларга мутлақо ишонмайдиган кишиларни ўйлашга мажбур этди. Тошкент тўқимачилик комбинати биринчи марта фойда олиш топшириғини ошириб бажарди, барча асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари планлари адо этилди. Агар бу ерда қўлга киритилган иш маромини сақлаб қола олишса, унда коллектив 25 миллион сўм соф фойда олиши мумкин.

Бу ерда яқин-яқиндагина тўқимачилар янги серунум ускуналарда ишлашларини, рисоладагидек меҳнат ва турмуш шароити бўлишини, ўзларининг уй-жойларига эга бўлишни орзу қилишарди, холос. Энди ана шу орзулар ушаладиганга ўхшайди. Чунки ижара коллективга жаҳон бозорига чиқишнинг тўғридан-тўғри йўлини очиб бермоқда. Барча тўқимачилик участкаларини ғарбда ниҳоятда қадрланадиган эни икки метрли газламалар ишлаб чиқаришга ўтказиш истиқболи қўлгина хорижий мамлакатлардаги харидорларни бу ерга жалб этмоқда. Газламаларимизни хом сурп тарзида сотиб олишга тайёр турган Бельгия, Франция, Покистон, фирмаларидан кўплаб қизиқарли таклифлар келди. Бу эса янги ўриш ва арқоқ ускуналарини, комбинат ходимлари учун кундалик эҳтиёж молларини сотиб олишга сарфлаш мумкин бўлган қатъий валюта ҳисобланади.

— Фақат ижарагина техникавий-иқтисодий кўрсаткичларимизни яхшилашга, режалаштирилган фойдани олишга имкон беради, — дейди комбинат бош директори, Ўзбекистон ССР халқ депутати Б. Эргашев. ЎзТАГ мухбири М. Кимга. — Меҳнатни ташкил этишнинг янги шаклини жорий қилиш меҳнат коллективига олинган даромад асосида меҳнатга ҳақ тўлашнинг жуда катта жамғармасини юзага келтириш учун аниқ-равшан имконият яратади. Эски нархларни, ишлаб чиқариш нормаларини тубдан қайта кўриб чиқадиган вақт келди, чунки бундай нархлар, нормалар сабабли ишчилар ниҳоятда кам ҳақ олишади. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Биз қатъий нархларни жорий этдик, натижада меҳнатга ҳақ тўлашдаги барча чеклашлар бекор қилинди. Энди тўқимачиларнинг маоши пировард натижаларга боғлиқ.

Мақоламиз муқаддимасида шартноманинг бандларидан бири мисол қилиб келтирилганлигини, яъни вазирлик тўқимачиларга комбинатни атиги икки йил муддатга ижарага олишга рухсат берганлигини эслаганимиз керак. Шундан раҳбарият бу йўлга унчалик хоҳламай қадам қўйганлиги сезилиб турибди. Нега дейсизми? Эски системада комбинат ўз фойдасининг 52 фоизини вазирликка берар ва 24 фоизини давлат бюджетига ўтказарди. Энди эса ишлар бутунлай бошқача тус олди.

Ижара Тошкент тўқимачиларига иқтисодий эркинлик, қарорлар қабул қилишда мустақиллик берди. Энг муҳими шундаки, тўқимачилар сменаларни машаққат билан ўтказмайдилар, балки гайрат билан меҳнат қиладилар. Ўзлари учун, жонажон комбинатлари учун ишлайдилар.



⊙ **ОТА ИБРАТИ.** Ўзбекистон пахтачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг Меҳнат Қизил Байроқ ва Ҳурмат Белгиси орденларининг нишондори, йиғувчилар гуруҳининг етакчиси Неъматилла Таштанов ўғли — шу ерда йиғувчи бўлиб ишлаётган Нодир билан.

Р. Шарипов сурати.

Учинчи чорак тараддуди

⊙ **«АВАНГАРД», «Знё», «Лазер!». Тошкент Давлат педагогика институтида тузилган қурилиш отрядлари ана шу номлар билан аталди.** Улар ўз атрофига 600 дан ортиқ шижоатли ёшларни бирлаштиради.

Чиндан ҳам олий ўқув юртида учинчи меҳнат чорагига пухта тайёргарликлар кўриб қўйилди. Бунёдкорлик ишлари олиб бориладиган қурилиш объектлари ҳам белгилаб олинди. Ставрополь ва Хабаровск ўлкаларида қайноқ меҳнат палласида кўпчилик талаба қатнашади. Шунингдек, Тошкент вилоятида қатор қурилишлар олиб борилади.

Учинчи чоракда дефектология ва математика факультетлари талабаларидан тузилган қурилиш отрядлари зарбдорчасига меҳнат қилиш шиори билан чиқдилар.

А. АКБАРОВ.

Анъаналар—халқ мулки

ШАҲРИМИЗДА ҚАШҚАДАРЁ КУНЛАРИ

Тошкентда жумҳуриятимиздаги ҳар бир вилоят меҳнаткашлари ва санъат вакилларининг меҳмон бўлишлари яхши анъанага айланди. Мана навбат Қашқадарё вилоятига келди. Бу вилоят меҳнаткашлари ва санъаткорлари эртага шаҳримизга ташриф буюришади. Улар уч кун мобайнида пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари билан таништиришади, турли корхона-муассасаларда учрашувлар ўтказишади.

Қашқадарёлик меҳмонларнинг ўтказадиган тадбирлари ҳақида Тошкент шаҳар маданият Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Абдуғаниев мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Қашқадарё вилояти вакилларини эртага кутиб оламиз. — Улар соат 18 да «Ленинград» меҳмонхонаси олдига келишади. Карнай-сурнай садолари янграйди, раққосалар хиром этишади, қизлар гуллар билан чиқишади.

— **Меҳмонлар қаерларда бўлишади?**

— Анъанага кўра вилоятларни шаҳримиз районлари навбатма-навбат кутиб олишади. Бу гал навбат Сергели районига. Душанба куни меҳмонлар Сергели мебель ишлаб чиқариш бирлашмасига, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига, 21-мусиқа мактабига ва Коммунистик шанбаликнинг 50 йиллиги номли истироҳат боғига ташриф буюришади. Боғда ўша куни турли тадбирлар ўтказилади. 22 майда эса улар Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида қабул қилинадилар.

— **Яна қандай маданий тадбирлар белгиланган?**

— 21 майда, яъни душанба куни Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида Фитрат асари асосида тайёрланган спектакль намойиш этилади. Катта санъат томошаси эртасига—22 майда бўлади. Навоий номидаги ўзбек Давлат академик Катта театрида соат ўн саккизда қашқадарёликлар ўз санъатларини намойиш этишади. Театр залида эса вилоят санъат кўргазмаси ташкил этилади.

Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

УРУШ ВА ҒАЛАБА САБОҚЛАРИ

СССР Президенти, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 45 йиллигига бағишлаб 1990 йил 8 май куни ўтказилган тантанали мажлисда қилган доклади «Уруш ва ғалаба сабоқлари» номи билан китобча қилиб чиқарилди. Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди. Китобча «Красний пролетарий» босмахонасида босилди.

(ТАСС).

Уй-жой қурилиши—«Оқшом» назоратида

РЕЖА КАМАЙИБДИ, СИФАТ ОШАДИМИ?

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг 4-қурилиш трести 1989 йил режаларини уддалай олмади. Йиллик пландан 14 миллион сўмлик кам иш адо этилди. Қурилиш деганда ишни чала қиладиган, бир йиллик юмушни икки йилга чўзадиган, судралиб қолган ташкилот кўз олдимизга келиши одатий ҳол бўлиб қолган.

4-қурилиш трестига ўтган йили 40 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш ишларини бажариш вазифаси юкланган эди. Бу йил эса бу план трестдаги реал имкониятни ҳисобга олиб бир йўла 10 миллион сўмга камайтирилди. Қани энди трест бу йил олдига қўйган бу камтарона вазифани уддалай олармикан?

Трест асосан соғлиқни сақлаш, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буюртмаси асосида бинокорлик ишларини олиб боради. Ҳозирги кунда Тошкент медицина институтининг 1-клиник касалхонаси ҳудудида янги бино, Беруний номидаги Тошкент политехника институти учун талабалар шаҳарчасида маъмурий ва ўқув бинолари, Тошкент Давлат дорилфунунида ҳарбий таълим машғулотлари учун махсус хоналар ва бошқа қурилиш ишларини бажаряпти.

— Бинокорлар уй-жой дастурини бажаришда ҳам қатнашишяпти. Янгидан барпо этилаётан Жарариқ даҳасида кўп қаватли уйлар бунёд этиляпти. Даҳада бу трест қурувчилари томонидан 9 та 4 қаватли уй қурилади. Шундан айримларини бу йил фойдаланишга топшириш керак.

Трестга қарашли 8 та қурилиш бошқармасининг иккитаси пардозлаш ишларини олиб боради. Илгари 43-бошқармагина сувоқ-бўёқ юмушлари билан машғул бўларди. Иш қўламининг кўпайгани учун яна битта пардозловчилар бошқармаси ташкил этилди. Умуман трест бўйича, айнан қурилиш билан шуғулланадиган ишчихизматчилар 1700 кишига боради. Ўтган биринчи уч ойлик режалари ҳамма кўрсаткичлар бўйича уддаланди.

Бу йил фойдаланишга топшириладиган бинолар қаторида Тошкент политехника институтининг маъмурий биноси, Тошкент Давлат дорилфунунининг ҳарбий таълим кафедраси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кимё институти, «Қорасув» даҳасида каттагина поликлиника, Юнусобод даҳасида кўп муолажали поликлиникалар бор.

Йил охиригача 57,5 минг квадрат метр ҳажмида уй-жой бунёд этилади. Ҳозирги кунда Жарариқ даҳасида 5 та қурилиш бошқармасининг бинокорлари меҳнат қилмоқдалар. Иш баъзи жойларда 3 сменада ташкил этилган. Бажарилган ишга қараб ҳақ тўланиши, кунлик, ойлик режаларни орттиғи билан уддалаш ҳисобига қурилиш ишлари муддатидан олдин битказиляпти. Турган гап, бу қўшимча ҳақ ва устама мукофот деганидир. Яна энг муҳими — иш сифатига эътибор берилляпти. Давлат қабул комиссияси томонидан билдирилаётган эътирозлар камайяпти. Моддий исрофгарчиликка чек қўйиш учун тузилган чора-тадбирларнинг бажарилиши мутахассислар томонидан мунтазам назорат қилинмоқда.

Албатта, озгина вақт ичида қолоқлар сафидан чиқишнинг ўзи бўлмади. Шу ўринда бир қатор муаммолар ҳам борки, уларнинг ечими кўп ғайрат талаб қилади. Трестнинг ўзида қурилишларни машина-механизмлар билан таъминлайдиган бошқарма бўлсада, гоҳида ишчилар кран, бульдозер ёки бошқа хил ёрдамчи кучларга муҳтож бўлиб бекор қолишади. Гоҳида ёнилғи-мойлаш воситалари етишмай қолса, гоҳида зарур материалнинг келишини кутишга тўғри келади.

Ишчиларнинг малакасини ошириш, давлат маблағи сарфланган материалларга, машина механизмларга бўлган муносабатни яхшилаш, масъулиятни ошириш керак.

Яна бир мулоҳаза. Умуман қурилиш соҳасида иш олиб бораётган бирон ташкилот ҳақида ҳали илиқ гапириш мушкул. Негаки бекаму-кўст, рисоладагидек қурилган бинонинг ўзини топиш мушкул-да. Мана, энди 4-трестга бу йил план 10 миллион сўмга камайтирилибди. Демак бу йил трест шунча миқдордаги бинони кам қуради демакдир. Хўш, қолган биноларчи? Ўзидан энди бу биноларнинг сифатли қурилишига асосий эътиборни қаратиш зарур, деган ягона хулоса чиқади. Давр талаби ҳам шу.

С. ШАМСИДДИНОВ.

Дам олиш кунингиз қандай ўтаяпти?



⊙ Фарзандлар билан сайр қилишнинг гашти ўзгача.



⊙ Шундай сўлим гўшада бирзум нафас ростлашга нима етсин.



⊙ Акмал Икромов номли маданият ва истироҳат боғининг темир йўлида.

Л. Гусейнов, Р. Шарипов ва Ҳ. Шодиев сурат-лавҳалари.

ШАНБА ОҚШОМИДА

ГАП ЁШДА ЭМАС

ЎН ОЛТИ ЁШЛИ АКАДЕМИК

⊙ КЛОД Клеро — таниқли француз математиги. У ўн ёшлигидаёқ математик анализ бўйича китобни қийналмасдан ўқир эди. Клод 13 ёшга тўлганда Париж Фанлар академиясига ўзининг математик тадқиқотини тақдим этди. Ўн олти ёшида эса Клод Клеро академик бўлди.

ЭЛЛИК ТИЛДАГИ НУТҚ

⊙ ТАЛЬЯВИНИ — машҳур итальян лингвист-профессори. Бўлажак полиглот ўн икки ёшида етти тилда сўзлаша олар-ди. Йигирма икки ёшида эса, у ўн беш тилни эгаллади. Рим профессори ҳар йили 2—3 тилни ўрганар эди. Лингвистик конгресслардан бирида у 50 тилда кутлов нутқи сўзлади.

БЕШ БАРАВАР ОРТИҚ ЮК

⊙ АМЕРИКАЛИК тўққиз ёшли Фемми Стеффорд, шубҳасизки дунёдаги энг кучли тош кўтарувчи ҳисобланади. Қизнинг отаси машҳур штанга кўтарувчи. Фемми жуда кичкиналигидан отасининг машқларига тақлид қила бошлади. Аввалига у кучига яраша гантел кўтарди. Бу билан унинг мускуллари аста-секин бақувватлашиб борди. Бир куни қизча 100 килограмм оғирликдаги штангани кўтарди. Ҳозир Фемминнинг кучи 115 килограммга етади. Унинг бўйи 121 сантиметр бўлиб, оғирлиги 23 килограмм. Шундай қилиб, Фемми ўз оғирлигидан беш баробар ортиқ юкни кўтара олади.

БИРИНЧИ БАДИИЙ АСАР

⊙ БУЮК рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстой ўзининг биринчи бадиий асарини 11 ёшида битганди. Бу Москва Кремли ҳақидаги очерк эди.

Нуриддин ОЧИЛОВ тайёрлаган.

Янги ихтиролар

Жарроҳсиз даволайдиган мослама

⊙ Ҳар бир кашфиёт ва ихтиро машаққатли меҳнат билан яратилиб, турмушга тадбиқ этилади, одамлар кори-ҳолига хизмат қилади. Ўзбекистон травматологияи ва ортопедия илмий-текшириш институтида шикастланиш натижасида сингган ўмров суягини даволашда ишлатиладиган мослама яратилди. СССР ихтиролар ва кашфиётлар Давлат комитети институтининг олим-шифокорларидан Т. Ҳасанов, Р. Хўжаев ва Алемасовларга яратган мосламалари учун муаллифлик гувоҳномаси, СССР Халқ Хўжалиги Ютуқларн Кўргазмасининг бронза медали ва пул мукофотини берди. Шу муносабат билан жамоатчи мухбиримиз институтнинг катта илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоди Туроб Ҳасановдан яратилган ихтиро ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди:

— Сингган ўмров суягини даволашнинг тиббиёт амалиётида бир неча усуллари бор. Жумладан, елка устидан қайишли тасма осиш, ёғоч рамка ёки шинага боғлаб даволашдир. Лекин бу усуллар доим муваффақиятли натижалар беравермайди. Шунинг учун ўмров суяги синган бир беморни операция қилиш ва ўрта ҳисоб билан 20 кун касалхонада бўлиши учун давлатнинг 500 сўм маблағи сарфланади.

Ҳозирги пайтда жумҳуриятимиздаги ҳар бир ноҳияда турли шикастланишлар натижасида йилига 500 га яқин ўмров суяги синиш ҳоллари қайд қилинади. Биз ихтиро қилган 40—46 сантиметр (бурама катта-кичиклаштиргичли) дуралюмин дастакли мослама ёрдамида беморни операциясиз, ҳатто амбулатория шароитида даволаш мумкин.

Ҳисоб-китобларга кўра, бу мослама туфайли ўмров суяги синган бир беморни даволашда сарфланадиган маблағнинг 50 фоизи тежаб қолинади. Кундалик амалий фаолиятимизда ишлатиш учун Тошкентдаги Чкалов номли авиация бирлашмасида дуралюмин дастакли мосламалардан юзтаси тайёрлаб берилди.

Институтимиз клиникасида шундай мосламалар ёрдамида ўмров суяги синган юз беморни даволаш синови муваффақиятли ўтди.

Жумҳуриятимиз бўйича травматология хизматини бугунги кундаги эҳтиёжини қондириш учун яна 30—40 минг-та дуралюмин дастакли мослама бўлиши тақозо этилади.

Абдумажид ЭРГАШЕВ,

Жумҳурият саломатлик марказининг матбуот шўъбаси ходими.

⊙ Шу яқин кунлар орасида пойтахтимизда Бельгия ишбилармон доираларидан бир гуруҳи меҳмон бўлиши кутилмоқда. Улар кўпгина корхоналарда бўладилар ва жойлардаги шарт-шароитларни бевосита ўрганиб, бўлажак иқтисодий ва маданий алоқаларга замин ҳозирлайдилар.

Биродарлашган шаҳарлар дўстлиги

ЭНДИ НАВБАТ — КОРТРЕЙККА

ЎТГАН йилнинг ноябрь ойида эса Бельгия — Люксембургда Ўзбекистон маданият кунлари ўтказилиши бежиз эмас. «Бельгия — СССР дўстлик уюшмаси» томонидан ташкил этилган бу анжуманда нафақат маданий, балки бевосита иқтисодий алоқалар ўрнатиш масалаларига ҳам катта эътибор берилди.

Мен ҳам Ўзбекистон расмий делегацияси махсус лекторлар гуруҳи сафида бўлиб, бу сафардан унутилмас тассуротлар билан қайтдим. Бельгия жамоатчилигида Иттифоқимизга, жумладан Ўзбекистонга бўлган қизиқишлари кучли эканлигини кўрдим.

Суҳбатларда асосий эътибор Ўзбекистон етарлича иқтисодий ва илмий-техникавий қувватга эга бўлиб, Бельгия билан иқтисодий ҳамкорликка тайёр эканлиги ва бу ҳамкорлик ҳар икки томонга ҳам катта фойда келтириши мумкинлигига қаратилди.

Чунки бугунги кунда —Совет Иттифоқи, шу жумладан Ўзбекистон иқтисодиёти инқирозининг олдини олишда ташқи иқтисодий алоқалардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

- Бельгия ишбилармон доиралари Ўзбекистон билан ташқи иқтисодий алоқаларнинг турли шаклларини ўрнатиб, ривожлантиришга тайёр эканликларини билдирмоқдалар. Фикримизча, жумҳуриятимиз билан мазкур давлат ўртасида тўқимачилик саноати соҳасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш жуда истиқболлидир. Ўзбекистонни Совет Иттифоқининг иккинчи йирик тўқимачилик марказига айлантириш (биринчи навбатда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган) мақсадга мувофиқ эканлиги олимларимиз ва мутахассислар томонидан аллақачон исботланган. Бу масалани муваффақиятли ҳал этишда Бельгия билан ҳамкорлик ўрнатиш жумҳуриятимиз учун катта наф келтиради.

Маълумки, Бельгия жаҳоннинг энг йирик тўқимачилик марказларидан саналади. У ўз ради. Айниқса, Бельгия пальто-плашчлари, спорт куртка-лари ва бошқа тайёр кийимлари сифатининг юқори даражада эканлиги ва мода билан ҳамиша ҳамоҳанг бўлишлиги билан ўз рақобатчиларидан ўзиб кетган. Бельгия фақатгина кийим-кечак, газлама, гиламлари билангина эмас, балки юқори рақобатли тўқимачилик машинасозлиги маҳсулотлари билан ҳам машҳурдир.

Бельгиянинг Кортрейк шаҳри ва пойтахтимиз — Тошкентнинг биродарлашуви, улар орасида тўқимачилик саноати соҳасида бевосита алоқалар ўрнатишда мўлжалланган шартномаларнинг шу йил декабрида имзоланиши иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш борасида қўйиладиган дастлабки қадамимиз бўлиб, у тез ривожланиб бориши жумҳуриятимизда енгил саноатнигина эмас, балки бошқа бир қатор тармоқлар самарадорлигини ошириш имконини беради. Бу борада биринчи навбатда, деҳқончилик саноати маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарувчи озиқ-овқат корхоналари, ҳорижий туризм комплексини назарда тутиш мумкин.

Ўзбекистон Бельгия иқтисодий ҳамкорлигининг кенг ривожланиб бориши жумҳуриятимизда енгил саноатнигина эмас, балки бошқа бир қатор тармоқлар самарадорлигини ошириш имконини беради. Бу борада биринчи навбатда, деҳқончилик саноати маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарувчи озиқ-овқат корхоналари, ҳорижий туризм комплексини назарда тутиш мумкин.

Ўзбекистон ССР ташқи иқтисодий алоқалари самарадорлигини ошириш жумҳуриятимизда ташқи савдо билан бир қаторда халқаро муносабатларнинг янгича илғор турларини (тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш, қўшма корхоналар, эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва бошқалар) такомиллаштиришни талаб этади. Бу ўринда биринчи навбатда ривожланган Ғарбий Европа давлатлари билан ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатиш айниқса, мақсадга мувофиқдир.

Аваз АЛИМОВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси жумҳурият ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш институтининг бўлим мудири, иқтисод фанлари номзоди.

Яшил дорихона

ЧЕЧАКЛАР

Кўркам табиатимизнинг нафис, дилафрўз инъомларидан бири бўлмиш гуллар нафақат гўзаллик, кўрк ва файз бағишлабгина қолмай, балки ўзининг шифобахш ҳислатлари билан ҳам ажралиб туради. Биз қуйида гулчечаклардан иккитасининг хосиятлари ҳақида маълумотлар келтирамиз.

⊙ ПИЁНГУЛ (русча — марьин корень, қозоқча — таучумилдиқ, форсча — удисалиб, арабча — фавахия) табиий ҳолда ўлкамизнинг шимолий қисмидаги тоғ олди ўтлоқларида, майдабарғли ўрмонларда учрайди. Жайдари пиёнгулнинг бўйи 40—80 сантиметр атрофида бўлиб, унинг туганаксимон, шохланган илдизи бўлади. Илдизининг кўриниши жигарранг бўлиб, ичи ўткир ҳидли, чучук мазали. Гиёҳгулларининг гардиши катта бўлиб. 18 сантиметргача бориши мумкин. Одатда ўсимлик ўзининг албонсимон, баъзида нимпушти гулларини май-июнь ойларида «намойиш» этади.

Халқ табобати амалиётида пиёнгул илдизи безгак тутишда, истиробли йўтал ҳуружида малҳам ҳисобланади. Шарқ табобатида пиёнгулнинг ўти ва илдизидан хавфли ўсмаларга қарши омил сифатида фойдаланилади.

Илмий асосли тиббиёт пиён илдизларидан ҳосил қилинадиган доривор омиллар тинчлантирувчи, оғриқсизлантирувчи, шунингдек меъда ширасини маълум даражада оширувчи хусусиятга эга эканлигидан воқиф бўлди.

⊙ МОЙЧЕЧАК (русча — ромашка, қозоқча — қазтабон, форсча — бобуна)нинг доривор тури Иттифоқимизнинг Оврупо қисмидаги чўлларда, Молдавия, Қрим, Шимолий Кавказда, Сибирнинг жанубий тарафлари, шунингдек Ўрта Осиёда учрайди. Одатда мойчечак бегона ўт сифатида экинлар орасида, ўтлоқларда, йўл ёқаларида, лахтак ерларда ўсади. У маданий равишда, доривор ўсимлик сифатида, шунингдек манзара кашф этувчи чечак сифатида етиштирилади.

Доривор мойчечак гуллари асосида тайёрланадиган дорилар ошқозон-ичак йўли оғриқларини пасайтиради, ичак фаолиятини уйғунлаштиради, қоринниг дам бўлишидан ҳоли қилади.

Мойчечак таркибидаги эфир мойлари одамнинг ўпкаси, териси ва буйраги воситасида ажралади. Шу боисдан мойчечак дамламаси ичилса одам терлайди. Пешоб ажралиши кучаяди, бронх безларининг фаолияти ошади.

Доривор мойчечак гули тинчлантирувчи, юмшатувчи, ел ҳайдовчи йиғма-чойлар таркибига ҳам киритилган. Гиёҳхоналарда бевосита мойчечак гуллари ҳам йиғма-чойлари бўлади.

Доко ХЎЖАЕВА,

доришунос.

Яхши удумларимиз

Меҳри дилларда, тилларда

— Бувижон, Гулобар келинойимни саломга олиб чиқишаяпти.

— Ростдан-а, вой ҳушхабар келтирган тилларингдан ўргилай. — Саломат ая набирасини ширин эркалаб, ўрнидан қўзғалди. — Қани, бўлмаса янги либосларимизни кийиб олайлик. Уйга меҳмон келганда ясаниб кутиб олишнинг ҳосияти катта.

Бироздан сўнг Саломат ая дока рўмолини бошига ташлаб ҳовлига чиққанда, қадди-қомати келишган келинчак гулдек яшнаб, тўр ёпинғичини хиёл кўтарганча остонада таъзим қилиб турарди. Унинг малоҳати-ю, назокатидан ҳали тўй уфори кетиб улгурмаган эди.

— Ҳурматингиздан айланай, кўп яшанг, барака топинг болам, — ая келинчакни худди ўз қизидек суйиб кўришгач, кафтларини очиб тилак билдирди: — Илоё қўшгани билан қўша қаринглар, хонадонингиздан ҳеч қачон қут-барака аримасин... Нафисахон, қани, келинни ичкарига бошланг, бир пиёла чой ичиб, кўнгил ёзамиз.

Қўни-қўшнилар ўртасидаги бундай ҳурмат, самимий муносабатга нима етсин! Атрофингда меҳрибон ва софдил одамлар қанча кўп бўлса, умр шунчалик тотли ўтади. Буни кўп марта ҳис қилган Саломат ая келинларга тилак билдираётиб, кўпинча ўзининг қизлик пайтини эслайди. Унинг болалиги Сағбон даҳасидаги «Ёв» (ҳозир «Ленинчи») маҳалласида ўтган. Ўшанда анча оғир дамлар эди. Оилани тебратиш, бир бурда нон топиш учун катталар эртадан кечгача меҳнат қилишарди. Болалар эса баъзан дўкон олдида машинадан нон туширишларини пойлаб, тўкилган увоғларни териб олардилар. Саломат ўн етти ёшида Баҳри, Фотима, Назми, Зулфия каби тенгқурлари билан биринчилардан бўлиб паранжи ташлашда қатнашди. Артелда ишлаб, дўппи тикишни ўрганиб олди.

— Ойим кўп қийинчиликлар кўрганлари учун беш фарзандларининг барчасини ўқитишга эътибор берганлар, — деди аянинг катта қизи Санталат опа.— Мана энди ҳаммамиз уйли-жойли бўлиб, ҳаётдан ўз ўрнимизни топдик. Менинг 9 фарзандим, 27 неварам бор. Турмушимизда нима яхши нарсаларга эришаётган бўлсак, бизга ҳам оналик, ҳам оталик қилаётган онам туфайли, деб биламан.

Агар эътибор берган бўлсангиз, нуроний отахон ёки онахон яшаётган оилаларнинг файзи ўзгача бўлади. Одатда кўп нарсаларни бошидан кечирган бундай кишиларнинг суҳбатига, доно сўзларига тўймайсиз. Чеҳраси иссиқ Саломат ая ҳам ўзининг мулойим табиати билан дарҳол юрагингиз тўридан ўрин олади. Унинг фарзандлари, невара-чевараларн 99 нафарга етгани эса пиру бадавлат эканлигидан далолат бериб турибди.

— Ҳадемай юзинчи набирам ҳам дунёга келади, — деди ая аллақандай ғурур билан. — Агар исм қўйиш менга насиб этса, Наврўз ёки Навбаҳор бўлсин дейман. Болаларим, келинларим, невара келинларим меҳрибон, «Ойижон, ойижон», деб ўтказишга жой тополмайдилар. Айниқса қизларим куйди-пишди. Ўзбекистон ССР Олий судида маслаҳатчи бўлиб ишлайдиган Убайдулланинг қаллиғини Саноат билан Санталат топишган. Буни қаранг, ўғлим Гулором билан бир мактабда ўқибди-ю, унга эътибор бермаган экан. Тақдир-да. Опа-сингил совчиликка боришса худди атайлаб қўйилгандек стол устида сураги турганмиш. Маъқулгина қиз экан, менга ҳам ёқди. Вақтнинг ўтиши-чи, мана, Убайдулла ҳам қирқ ёшни қаршилади. Ишқилиб барчаси омон бўлиб, ўзларидан тинишсин.

Саломат аянинг ҳаёти билан яқиндан танишгач, беихтиёр шу оиланинг сарбонлари ҳақида чуқур ўйга толдим. «Қуш уясида кўрганини қилади», деганларидек бу оила фарзандлари ҳам ота-оналаридан кўрган яхши тарбиялари туфайли улар каби ҳақиқий, эл иши учун



фидойи кишилар бўлиб вояга етдилар. Дарҳақиқат, ушбу оиланинг сарбонлари бўлмиш марҳум Фаттоҳхўжа ака билан Саломат аяларни файзли инсонлар сифатида тилга олишларининг боиси ҳам мана шунда. Улар бутун маҳаллага ҳақиқий ибрат намунасини кўрсатишди. Фаттоҳхўжа ака Ортиқов узоқ йиллар «Ленинчи» маҳалласига бош бўлганда у шу ерда истиқомат қилувчи ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронинг энг яқин маслаҳатгўйи, маҳалланинг жонкуяр отахони сифатида обрў-эътибор қозонган эди. Ҳозир ҳам Фаттоҳхўжа ака ҳақида гап кетгудек бўлса ҳамма оғзидан бол томиб гапиради, унинг инсонийлик фазилатларини мароқ билан эслашади. Бизнинг бу фикримизни Собир Раҳимов районидаги Ойбек маҳалласи фаолларидан бири С. Султонов ҳам маъқуллади.

Саломат ая Ортиқова бугунги кунда табаррук 75 ёшга тўлди. Оила аъзолари маслаҳатлашиб, хонадонда шодиёна кечаси уюштирдилар. Биз гилос дарахтлари соя-салқин солган ҳовлига столстуллар безатилиб, бирин-кетин меҳмонлар келаётган пайтда кириб бордик. Тўрда ўтирган аянинг атрофида ўғил-қизлари, келинлари, набиралари парвона.

— Ўзимнинг бувижоним, — дейди Мунира онахоннинг нуроний юзидан ўпиб қўяр экан.— Бахтимизга яна узоқ умр кўринг.

— Қаранг, қайнонамизнинг борлиги қандай яхши, — деди уларни ҳавас билан кузатиб турган келин Ҳолисхон опа. — Мен у кишидан қарздорман. Сабаби, рўзғор тутиш, меҳмондўстлик, тансиқ таомлар пиширишни ўргатдилар. Бирон жойга бормоқчи бўлсак кўнглимиз тўқ. «Режамга тушиб қолдингиз, болам», деб кўнглимни кўтарганлари ёдимда. Биз ҳам уларга ўхшаган қайнона бўлиб, ёшларига етиб юрайлик.

Шу пайт аянинг қўшниси Қумрихон Содиқова уйидан бир тоғора иссиқ сомса олиб чиқиб, меҳмонларга улашди. Боятдан бери торини созлаётган ҳаваскор хонанда эса «Онажон» қўшиғини бошлаб юборди...

Онанинг қутлуғ ёшини нишонлаб, бир дастурхон атрофига йиғилишнинг ўзи, ҳамжиҳатликдан нишонадир. Бундай анъаналар турмушимизга кўрк бағишлаб, ота-боболаримиздан қолган энг яхши фазилатларни юзага чиқармоқда...

Саъдулла ШОДИЕВ.

⊙ СУРАТДА: Саломат ая Ортиқова фарзандлари даврасида.

«Чори» маҳсулотлари

⊙ МОДЕЛЛАР уйида Японияниинг «Чори» фирмаси маҳсулотлари кўргазмаси очилди. Бу ерда япон мутахассислари тайёрлаган турли буюмлар билан танишиш мумкин. Кўргазма маҳсулотлари жумҳуриятимиз маҳсулотлари билан айрибош қилинади.

Дилмурод ОБЛАЕВ.



⊙ УЗОҚНИ ЯҚИН ҚИЛАЁТГАНЛАР. 35-алоқа бўлими ходими Гулноз Исроилова.

Р. Шарипов суратлари.

Шанба фельетони

УДДАБУРОНЛАР ТАНЛОВИ

— Ҳалойиқ, эшитмадим деманглар, уддабуронлар танловини бошлаяпмиз. Бу яна қанақаси дейсизми? Йўқ, бугун зукколар баҳслашмайди. Лекин айтиб қўяй, танловимизда қилни қирқ ёрадиганлар иштирок этадилар. Йўқ, бу қувноқлар маҳоратини синаш эмас. Аммо танлов якунларидан кимлардир қаҳқаҳа отиши, кимлардир эса... Ҳа, тўғри айтасиз, минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши.

Марҳамат, саҳнага биринчи бўлиб Иброҳимов таклиф қилинади. У киши Сергели район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинатига қарашли 1-магазин сотувчиси.

— Биз бирни икки қилишда устаси фарангмиз. Йўқ, агар мева-сабзавот дўконларида ишлайдиган бошқа сотувчиларга ўхшаб келган молни саралаб, яхшисини йил-ўн икки ой бозорнинг тўрини эгаллаб ўтирган акахону опахонларимизга ошириш билан «соққа» қилади, десангиз янглишасизлар. Каминаларининг харидорларнинг тийинларидан сўм ясашга ҳам тоқатлари йўқ.

Ундай бўлса кўз бойламачилик қиласизми, дейсизми? Ҳа, соддалик қурсин. Бир томондан олганда ўзи ҳамма буюк нарсалар жўнлигидан ҳайратга тушасан. Хўш, шундай қилиб денг, магазинга беш яшчик... Э, картошка ёки помидору бодрингни бошимга ураманми? Яқингинадаги, Сергели район озиқ-овқат савдосига қарашли 28-магазиндан 100 шиша арақни 9 сўмдан харид қилдим. Арақ магазиндан бизнинг дўконга ўтган заҳотиёқ 6 сўмга қимматлашиб қолди. Бир чўтга солиб кўринг. Ҳа, балли, «шапкаси» роппа-роса 600 сўм. Бу пулга бир ишчи уч ой белини букиши керак дейсизми? Ҳа, энди эплаганга чиқарган. Бўлмаса уддабуронлар танловига таклиф қилишармиди...

— Томошабин ўртоқлар, Иброҳимов маҳоратига тан беришга шошилманг. Савдо соҳасидаги шогирдлар ҳам эплай оладиган бу оддий пултопарликка намунча шунча олқиш. Бироз сабр қилинглар, биз ҳам ҳунаримизни намойиш қилайлик. Ўзингизни таништирмадингиз дейсизми? Узр. Давидова, «Ташгорагропром»нинг 1-мактаб-магазини мудири. Мактаб-магазинда ҳам уддабуронлик шартми, деб сўраяпсизми. Қизиқ экансиз, эртага пештахта орқасига турадиганлар устамонликни биздан ўрганмасалар, кимдан ўрганадилар.

Биламан, биламан. Саҳнага чиқишга тирбанд туришган ҳамкасбларимнинг кўплигини ҳам, вақт зиқлигини ҳам биламан. Томоша кўргани келгандан кейин бироз сабр қилингларда. Ахир, сабрнинг таги олтин. Ҳа, яхши, мақсадга ўтақолайлик. Шу денг, биз Оржоникидзе районидаги «Маданият» жамоа хўжалигидан 62 тонна сабзи олишимиз керак эди. Ўзи бу сабзавот билан савдо қилишдек машаққатли иш йўқ. Сабзини олиб келиш учун машина топ, машина топиб далага борсанг, сабзи қазилмаган бўлади. Ҳа, не азоблар билан дўконга ҳам келтирдинг, де. Харидор, бу сабзи синчнинг орасига уриладиган гувалакми, деб нолиганни-нолиган. Бунинг устига деҳқон дўстларимиз селитра деганни пайкалга қоплаб ағдарган бўлса, ярим ой турар-турмас сувдек оқа бошласа.

Хуллас, ташвиш кўп, кўмир, яъники червон кам. Нима қилиш керак. Одамга калла шляпа кийиш ёки рўмол боғлаш учун эмас, ўйлаш учун берилган. Ҳайриятки, дунёда кўзингга қарабоқ миянгдагини уқиб оладиганлар топилади. Шу денг, хўжалик бригада бошлиғи Рўзматовга бир маъноли қараб қўйгандим, ҳамма нарсани тушунди. Дарҳол омбор мудирига 8 та квитанция тўлдириб бер, деб топшириқ бердим. Деҳқонлар саркорига бу ҳужжатларни топширидиму 6820 сўмни санаб олдим. Қаранг, қаловини топиб ўт ёқсанг сих ҳам, кабоб ҳам куймас экан. Расмийлаштирилган бир парча қоғоз билан жамоа хўжалиги шаҳарга сабзи етказиб бериш топшириғини бажариб олди. Биз ҳам қоғозда пойтахтликлар палови учун масаллиғ «сотдик», планни тўлдириб, мукофотга илиндик.

Тўхтанг, тўхтанг. Ҳунаримиз биргина шунинг ўзи бўлганда саҳнага чиқиб, энсангизни қотирмасдик. Бир хил қарорлар борки, жонимизга оро бўлади. Эсингиздами, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини табақалаштирилган нархларда сотиш фармойиши бўларди. У 1989 йилда бекор қилинган бўлса, нима қилибди. Бизнинг ёдимиздан кўтарилибди. Харидорлар ҳисобига 5206 сўм даромад қилган бўлсак, ҳа энди, тийин, сўмнинг фарқига бориб майдалашиб ўтирамизми...

— Танлов қатнашчилари! Ҳайъат раиси сифатида белгиланган вақтдан ошиб кетмаслик зарурлиги тўғрисида огоҳлантириб қўймоқчиман. Ҳунарларингизни лўнда баён қилишга ҳаракат қилинг. Марҳамат, навбат сизга. Бу киши Раҳимова, Куйбишев район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинатига қарашли 1-магазин сотувчиси бўладилар.

— Мен биттагина харидордан 9 сўм 50 тийин уриб қолдим...

— Давом этаверинг.

— Нима, бу камми?

— Э, йўғ-е. Хўш, сиз ҳам танлов ҳайъатига бир нима демоқчисиз, шекилли. Кечирасиз, исми-шарифлари?

— Носирова, мен ҳам шу комбинатнинг 19-магазинида ишлайман. Сотувчиман. Ҳамкасбимдан кейин гапиришга тилим ҳам бормай турибди. Бир харидор билан ҳисоб-китоб қилгандан сўнг ўз фойдамга бор-йўғи 3 сўм 34 тийинга адашибман, холос.

— Ҳайъат танлов қатнашчиларининг камтарлигини ҳам албатта ҳисобга олади. Аммо бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Куйбишев район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинати дўконларида маҳоратли сотувчилар ишлашини тан олишга мажбурмиз. Бу ерда ҳар бир харидордан уриб қолинган пул ўртача 3 сўм 11 тийинга тўғри келар экан. Қани, ким улар билан баҳслаша олади?

— Алабатта, бу кўрсаткич бўйича ҳамкасбларимиз билан рақобатлаша олмаймиз, — босиқлик билан деди Чилонзор район улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинатининг директори Р. Раҳимов. — Бироқ, бизда ҳам тилга олгулик ишлар бор. Масалан, 16-магазинимиз мудири Худойбердиев 142 минг сўмлик консерва маҳсулотларини олишга олиб, киримни расмийлаштиришни «унутиб» қўйибди. Ўзи шу мудиримиз бироз паришонхотир. Қаранг, магазин тафтиш қилинаётган эди, 36,2 минг сўмлик камомад аниқланди. У ади-бади айтишиб ўтирмасдан камомад ўрнини тўлдириб қўйди. Аммо, 2-магазинимиз мудири Жўраев қайсарроқ чиқиб қолди. У 6770 сўм камомаднинг ўрнини тўлдиришга тихирлик қилиб турибди.

Собир Раҳимов, Фрунзе районлари улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинатига қарашли магазинларнинг айрим чапдаст мудирлари ва сотувчилари ҳам танлозда ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Ҳайъат аъзолари ғолибларни аниқлашга киришдилар. Шаҳар ички ишлар бошқармаси «совриН»ларни тергов тугагандан кейин топширишни маъқул кўрмоқда. Шаҳар халқ назорати қўмитаси эса олғир мудир ва сотувчиларни «тарбиялаётган» чакана-улгуржи мева-сабзавот комбинатлари директорларини қаттиқ ва оддий ҳайфсанлар билан «сийлади».

Э. МАДИЕРОВ.

Қадимги қўлёзмаларни варақлаганда

АВВАЛ ЎЙЛА, СЎНГРА СЎЗЛА

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.
Алишер НАВОИЙ.

БУЗУРЖМЕҲР Ҳаким айтади:

— Оғиздан чиқадиган ҳар бир сўзни аввал яхшилаб ўйлаб, сўнгра сўзлаш лозим. Ўйламасдан айтилган сўз кўнгилсиз воқеага сабабчи бўлиши мумкин. Ўйламай-нетмай ножўя сўзлаган киши «Нега шундай дедим?» деб пушаймон қилади-ю, фойдаси бўлмайди.

Шоир Шавқий айтади:

Ҳар иш айларда авввал эҳтиёт айлаб тафаккур қил,
Қўлингдан ўтса вақти, фойда бермасдур пушаймонлик.

* * *

БИР моҳир тўқувчи ранг-баранг ипаклардан ажойиб мато яратди. Матони эртасига даргоҳга бориб Шоҳга ҳадя этди. Шоҳ бу ҳунармандниng фаранглигига таҳсинлар ўқиб, матони даргоҳни безаш учун осиб қўйишни буюрди-да, тўқувчига минг дирам инъом этди. Шунда тўқувчи:

— Бу мато томоша учун эмас, балки тобутингизни ёпиш учун ярайди, — деди.

Бундан дарғазаб бўлган Шоҳ ҳунармандни ўлимга ҳукм этади. (Баъзи сабабларга биноан у ўлимдан озод этилади). Абдулқосим Фирдавсий деди:

Ширин сўзли бўлгил, эй билағон,
Лабинг совуқ сўз-ла бўлғатма осон.

* * *

«ТИНГЛАШГА нолойиқ гап-сўзга кар бўл», дейдилар. Мана бунга бир мисол.

Қадимда бир подшоҳ бир асирни ўлдиришга фармон берди. Шўрлик асир ҳаётдан умиди узилиб, подшони ҳақорат қила бошлади. Зеро: «Киши жондан умид узгани замон, кўнглида борини этади баён», деган халқ нақли бор.

Подшо сўради: «У нима деяпти?». Софдил вазирлардан бири: «Эй подшои олам, «Ҳар кимки газабин ичига ютар, у гуноҳ қилганнинг гуноҳин ўтар», деяпти деб жавоб берди. Поршонинг раҳми келиб, асирни авф этди. Софдил вазирнинг пайини қирқиб юрадиган иккинчи вазир гапга аралашиб деди: «Бизнинг мавқеимизда бўлган одамлар подшо ҳузурида фақат рост сўзлашлари лозим. Бу асир подшони ҳақорат қилди ва шанига ёмон гаплар айтди». Подшо бу сўзни эшитиб, қош-қовоғини солиб, деди: «Сен айтган рост гапдан кўра, унинг ёлғони менга кўпроқ маъқул тушди, чунки унинг ёлғони хайрихоҳлик юзасидан айтилган эди, сениki эса, жиноятга бошлаш учун айтилди. Донишмандлар: «Фитна қўзғатувчи ростдан маслаҳатчи ёлғон яхши», деганлар.

* * *

ШОҲ Баҳром мадрасадан қайтаётганида сарой олдида ўтирган бир чолга рўпара келибди. Қария ниҳоятда юпун кийинган, чопонининг астар-авраси ағдарилиб кетган, кўринишидан хастага ўхшайди.

— Ассалому алайкум, ота, — дебди Баҳром бир танга узатиб. — Бетоб кўринасиз, юринг мен билан, ҳакимга кўрсатай.

Чол кўзига ёш олибди.

— Хайр-эҳсонинг мушкулимни осон қилмаса ҳам, ширин сўзинг кўнглимни тоғдек кўтариб юборди, ўғлим, — дебди у чеҳраси очилиб.

Абулқосим Фирдавсий деганларидек:

Фақат яхшиликдан шнор келтиринг,
Агар қиш кўрсангиз, баҳор келтиринг.

* * *

БИР подшоҳ мунажжимлардан бирини чақириб:

— Менинг севган канизагим қачон ўлади? — деб сўрабди. Мунажжим канизакнинг касал бўлиб ётганини биларди. Шунга кўра:

— Канизагингиз тез кунда ўлади, — деди. Тасодифан эртаси куни канизак вафот қилди. Подшоҳ ғазабда мунажжимни чақириб олиб:

— Демак, сен кимнинг қачон вафот этишини билар экансан, айтчи, ўзинг қачон вафот этасан? — деб уни қийинқистовга олди. Мунажжим ўзининг ўлишини билиб дарҳол подшоҳга:

— Юлдузларга қараб ҳисоб қилишимча, сиздан икки кун олдин ўламан, — деб жавоб берди.

Подшоҳ ўзининг ажалидан қўрқиб мунажжимни ўлдириш ниятидан қайтди. Буни «Гап эгасини топди...» дейдилар.

* * *

НЎШИРАВОН катта, баҳайбат қаср қурдирди. Қасрга девор-дармиён бир қўшни кампир яшарди. Кампирнинг қўйэчкилари қасрнинг зинапояларидан юра бошладилар. Бундан норизо кишилар Нўширавонга шикоят қила бошладилар. Нўширавон кампирни чақириб воқеадан уни огоҳ қилди. Шунда кампир:

— Нўширавон одил бўлай десангиз, аҳвол-тирикчилик шундай қолаверсин,— деди.

Шоҳ: «Хўп бўлади» деб кампирга таъзим қилди.

* * *

УЛУҒЛАР айтадиларки, олти пайтда одамнинг тили жим бўлмаса, ундай тилнинг борлигидан кўра соқов бўлмоқ афзалдир. Биринчи — кўп гапиришда, иккинчи — қасам ичишда, учинчи — кишини уялтириб қўядиган беҳуда ҳазил-мутойиба пайтида, тўртинчи — кишини ёмонлаб тилга олишда, бешинчи — эркаклар орасида ўзгаларнинг хотини ҳақида гапиришда, олтинчи — ўзини бошқалардан юқори қўйиб, мақтаниш пайтида!

* * *

ДЎСТИ дўстидан: — Нега жим бўлиб қолдинг, — лом-мим ҳам демайсан? — деди.

Дўсти қоғозу қалам олиб жавоб ёзди. Унда: «Кечаги бемаъни гапдан сўнг тилимни ўн беш суткага қамадим», деб ёзилган эди.

* * *

ҲУКАМОЛАРНИНГ АЙТИШИЧА, хушхулқликнинг ўнта нишонаси бор экан. Биринчиси — халқ тўғри деб топган нарсага нотўғри деб қарамаслик. Иккинчиси — ўз нафсига инсоф бериш. Учинчиси — айб қидирмаслик. Тўртинчиси — бировдан ёмонлик содир бўлса, уни яхшиликка йўйиш. Бешинчиси — агар гуноҳкор узр сўраса, узрни қабул қилиш. Олтинчиси — муҳожирлар ҳожатини чиқариш. Еттинчиси — эл ғамини ейиш. Саккизинчиси — ўз айбини тан олиш. Тўққизинчиси — эл билан очиқ юзли бўлиш. Ўнинчиси — одамлар билан ширин муомала қилиш.

* * *

БУЗУРЖМЕҲРДАН Анушйрвон сўради: «Мулойимлик қандай бўлади?». Жавоб берди: «Мулойимликнинг нишоналари бор. Бири шуки, қовоқ солиб, қаттиқ гапирган одамга очиқ юз ва ширин сўз билан жавоб берилади. Ёмон феъл билан жонни оғритган одамга яхши феъл билан жавоб қайтарилади.

Мулойимликнинг иккинчи нишонаси — ғазаб ўти шуъла уриб, унинг даҳшати ҳаддан ошиб кетса, ўзини тутиб, уни ўчиришдир. Шундай қилганда кишининг дили ҳам, руҳи ҳам таскин топади. Учинчиси, гуноҳларни озгина маҳкум қилаётганда ғазаб ўтини сўндириб, сўнг чуқурроқ ўйлаб иш тутишдир. Шуни ҳам билмоқ керакки, баъзи вақтда ғазаб мулойимликдан яхшироқдир».

Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ
тайёрлаган.

ПХЕНЬЯНГА ИЖОДИЙ САФАР

⊙ **ЧЕН-ЧУН корейсча «Ёшлик» деганн. Ана шу ном билан аталган халқ ансамбли ўзининг ижрочилик маҳорати билан жумҳуриятимиздагина эмас, айни бир вақтда хорижда ҳам яхши таннлиб қолди.**

«Чен-Чун» ансамблининг ўтган йили Корея Халқ Демократик республикасига қилган ижодий сафари ҳам муваффақиятли ўтди. «Апрель баҳори» санъат фестивалида қатнашган бу гуруҳ янги тайёрлаган энг яхши қўшиқ ва рақсларни ижро этиб, томошабинлар ҳурматини қозонди.

Ансамбль яқин орада ҳам Пхеньянга борадиган бўлди. Совет Иттифоқи билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги маданий ҳамкорлик шартномасига биноан уюштирилаётган ижодий кўрикка атаб янги концерт программаси ҳозирлади.

Саодат ОДИЛОВА.







⊙ **ЁШЛИКДАН МЕҲР ҚЎЙИНГ. 28-болалар мусиқа мактабининг дирижерлар ансамбли раҳбари Ш. Шоумаров ёшларга ҳунар сирларини ўргатмоқда; қизлар эса қўлларига дутор олишиб машқ чалишга чоғланишяпти.**

Р. Шарипов суратлари.

ТЕМИР ОДАМЛАР

Масал

Қайси ихтирочи ясаган унн,
Ғирт темир одамни кўрдим бир кунн.
Сиз-биздан ўзгамас турқи-сиёғи,
Бордир иккн қўлн, иккн оёғи.
Дум-думалоқ калла елка устида,
Оғизу бурун ҳам бнноён жуда.
Шаҳдам қиймрлайди уёг-буёққа,
Кўзларн айланар мисолн соққа,
Тилн-жағи бутун, ҳийла сўзамол,
Одам дёса бўлар унн бемалол.
Аммо қилқлари қилардн ҳайрон:
Ўзнча бнр қадам босмас ҳеч қачон,
Фақат юқоридан бурашса юрар,
Тур деса турар,
Белгиланган гапдан ўққн нуқул ввъз.
На кулишу ва на йиғлашн билмас.
На бирор дардманга ачнйдн жонн,
Ва на ноҳақликдан қайнар вжждонн,
Ишқн йўқ эшагу, дардн йўқ кесак.
«Нега бунақасан!» — дея сўрасак,
«Нима бўпти!»— дея солдн у қовоқ —
«Мендайларнн сира кўрмаганмисиз!
Идораларга ҳеч кнрмаганмисиз!»
Индаёлмай қолдим мен ҳам ўша чоқ...

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

ЖЕЛЕЗНОВЛАР АМЕРИКАГА ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

Тошкентлик пианиночилар Ирина ва Максим Железновлар мусиқа чўққисига кўтарилиш учун анча мушкул йўлларни босиб ўтишларига тўғри келди. Уларнинг меҳнати ва санъати бутун жаҳонда тан олинди. Юртдошларимиз Америка Қўшма Штатларида бўладиган Фортепьяно дуэтларининг халқаро конкурсида иштирок этиш учун шахсан таклиф этилдилар.

Америкадаги қўрикни уюштираётганлар иштирокчиларни орқаваротдан танладилар. Бунинг учун ташкилий комитет адресига ижро этилган асар ёзилган кассетани юбориш керак эди, холос. Омадини синаб кўришни истовчилар Совет Иттифоқида ҳам кўп бўлди. Лекин конкурс ташкилотчилари Ўзбекистон пойтахтидан бўлган пианиночиларни танлашди. Улар бутун жаҳондан келган ижрочилар ўртасида финалга чиқкан бешта энг яхши фортепьяно дуэтидан бири бўлишди.

Ҳозир Ирина билан Максим масъулиятли кўрик олдидан зўр бериб машқ қилишмоқда. 17 май куни улар Нью-йорклик тингловчилар ҳузурида ўз маҳоратларини намойиш этдилар. **(ЎзТАГ).**



ОБ-ҲАВО

⊙ **Аввало шуни айтиб ўтиш даркор, бу йил Бутуниттифоқ жаҳон метеорологик марказининг ташкил этилганига 40 йил тўлади. Курран замнида ҳозир 11000 метеорологнн станцня ишлаб турибдн. Уч шаҳарда (Вашингтон, Москва, Мельбурн) Ер юзидаги об-ҳаво ўзгаришларини назорат қнлнб ахборот берувчи жаҳон метеорологик марказлари бор. Улардан ташқари йирик мамлакатларда регионал марказлар ҳам мавжуд. Шу жумладан, Совет Иттифоқнда ҳам 4 марказ бўлиб, улардан бири Тошкентда жойлашган. У нафақат Ўзбекистонда, Ўрта Осиёда ЭНГ наттаси ҳисобланадн.**

⊙ **ЭНГ кўп сел ёгадиган ҳудуд Фарғона водийсидир.**

⊙ **Ўзбекистонда ЭНГ кўп ёгингарчилик бўладиган ой эса — апрель.**

⊙ **ЭНГ КАМ сел ёгадиган жой деб Зарафшон водийсини айтиш мумкин.**

⊙ **Шундай ҳодиса ЭНГ кўп (ва кучли) қайд этилган йил эса 1987 йилдир. Ўша йили 20-21 апрель кунлари сел натижасида Оқсоқ ота томонларда (Чирчиқ дарёси) тошқин кучайиб, қурбонлар бўлган.**

⊙ **Айнан шу йили сойларнинг тошиши бўйича ҳам рекорд натижалар кузатилган. Масалан, 6-7 март кунлари сел тўрт вилоятнинг 26 сойидан ўтган бўлса, 6-8 апрель кунларн 34 сойни тоширди. ЭНГ кучлиси 20-21 апрелда бўлди. Икки кун ичида 7 вилоятдаги 99 сойга сел қўйилди.**

⊙ **Бир неча кундузда ЭНГ кўп ёгингарчилик 1972 йил 9 апрелда Сангзорда (Жиззах вилояти) бўлган. Ўша кунн у ерда 24 соат давомида 107 миллиметр ёмгир ёққан.**

⊙ **Шу йилнинг 8 апрелида Тошкентда эса 63 миллиметр ёмгир ёгди. Бу шаҳримиз тарихида ЭНГ кўп ёгингарчилик бўлган кундир. Ундан 1895 йил 28 майда (50 миллиметр) бўлганди.**

⊙ **1948 йилнинг июнь ойида Ғузорда ва 1983 йилнинг июлида Тожнда ҳарорат ЭНГ юқорн (плюс 48) даражага чиққан.**

⊙ **Тошкентда эса 1983 йил. нинг 30 июнида ҳарорат 44,5 даражага етган.**

⊙ **ЭНГ совуқ кун эса 1969 йилнинг февралида ҚАССРда кузатилган. Ўшанда ҳаво 40 даража совуқ бўлган.**

⊙ **Тошкентда ЭНГ қаттиқ совуқ 1900 йил 23 январда(—28) бўлган экан.**

Нина ГАВРИЛОВА,
Ўзбекистон об-ҳавони ўрганиш марказн бошлиғи вазифасини бажарувчи.

Табиий даракчилар

ҚОРА ЧИГИРТКА ЧИРИЛЛАСА...

Доно-ю, зукко ота боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган бир қанча сабоқ бўлишга арзигулик башоратлар борки, уларни ўз ўрнида фойдаланиш фақат инобий тарафларн билан асноатнш мумкин. Уларнинг минг йиллар давомида ҳаётий кузатувларн юзага келган тажрибалар об-ҳавонинг қандай бўлишини чамалашга имкон беради.

⊙ **Диққат беринг, қашқарбеда, гулизардак (сариқгул), гулҳайри гуллари ёмғир ва жала қуйишидан олдин гузаннан тортиб, юмилади.**

⊙ **Агар арчанинг шохчалари юқорига кўтарилиб, гудда ёриқ-лари очилиб қоладиган бўлса, шунингдек қончўп, ниггу фир, момоқаймоқ, гулпечак ўз гулларини гужанаклаб олса, тез орада ёмғир ёгади. Ёмғир ёғиши олдидан зарнинг дарахтнинг барглари бандида «кўз ёшлари» пайдо бўлади.**

Жонворлар олами табиий ҳодисаларга ўта сезгирлиги билан ажралиб туради. Уларнинг хатти-ҳаракатларига ва тутган қиёфаларига қараб, бўладиган табиий ўзгаришларни билиб олиш мумкин.

⊙ **Кучли жалядан олдин юмронқозиқлар ўз инларини тарк этиб чиқадилар.**

⊙ **Агар ер юзасида чувалчанглар кўпайса, унда ёмғир ёгишини кута берасиз.**

⊙ **Агар асаларилар кляпсига бол тергани учиб кетсалар, унда кун очиқ бўлади.**

⊙ **Қалдирғоч, узунқанот, калхат баланд учиб парвоз қилса, унда ҳаво очиқ бўлиб, яхши бўлишидан дарак беради.**

⊙ **Қалдирғоч, узунқанот, калхатлар кўпайиб кетса, бу ҳодиса ёзнинг жуда носоз келишидан дарак беради.**

⊙ **Агар қалдирғоч инини қумай томонга қурадиган бўлса, ёз «юмшоқ» ва латиф келади бўлади.**

⊙ **Агар қалдирғоч инини қумай томонга қурадиган бўлса, ёз «юмшоқ» ва латиф келади бўлади.**

⊙ **Мабодо қалдирғоч пастлаб учадиган бўлса, ёмғир ёгади.**

⊙ **Товуқ «диққат» билан патларини тараштаса, ғоз ва ўрдаклар сув ҳавзаларида узоқ чайқалиган бўлса, қичқириб патларини яласа ёмғир ёгади.**

Манион НАБИЕВ

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.



⊙ **ҚАРДОШ ГРУЗИЯ МАНЗАРАЛАРИ. Ушбу суратларда сиз қардош республика пойтахтидаги Тбилиси шаҳрига асос солган Вахтанг Горгасалига ўрнатилган ҳайкални ва Шота Руставели кўчасидаги маъмурий бинони кўриб турибсиз.**

Х. Шодиев суратлари.

ХАЛҚ ДУРДОНАЛАРИ

⊙ **ХАЛҚ эртакларида инсониятнинг энг яхши эзгу орзулари ўз бадиий ифодасини топган.** Шу сабабли ҳам халқ ороки ижодининг бу жанри авлодлар томонидан севиб ўқиб-ўрганиб келинмоқда.

«Жаҳон халқлари дурдоналари» кўп жилдли нашрни чоп этишга киришилганлиги айни муддао бўлди. Гап шундаки, Москвадаги «Радуга» нашриётининг Тошкент бўлими ташаббуси билан юқоридаги номда ўнта тўплам китобхонларга тақдим этилади. Бу китоблар 1992 йилдан бошлаб чоп этилади.

«Ўзбек халқ эртаклари» жилдини ҳам босмага тайёрлашга киришилди. Нашриёт ҳозирлаётган «СССР халқлари эртаклари» китобида ўзбек эртакларига ҳам кенг ўрин берилади.

Малика ҚОДИРОВА.

Турмуш чорраҳаларида

ГУЛ ВА ТИКАН

МЕҲР-МУҲАББАТ, садоқат ва оқибат — инсонга гўзаллик бағишлайдиган зийнат ҳисобланади. Халқимизнинг — «Бир майизни қирқ киши бўлиб ейишган» деган нақлида меҳру оқибат ифодаси бор. Бундай яхши сифатлар янада сайқал топяпти. Ажойиб кишилар, улардаги яхши фазилатлар кишининг ҳавасини келтирибгина қолмай, уларни дилдан эҳтиром қилишга ундайди.

Бир мисол келтирамиз. Пойтахтимиз вилоятидаги Хасково совхози ишчиси Фатхулла ака ва Мамлакатхонлар хонадонида файз-тароват ўзгача, оила серфарзанд. 90 ёшга яқинлашиб қолган қайнона ибрат-ҳурматда. Фатхулла ака онаси, ака-укаларига меҳрибон, ували-жували бўлиб обрў-эътибор топган. Мамлакатхон мактабда ёш авлодга таълим ва тарбия беради. Ҳуллас, бу оила ҳамма томондан ибратли деса бўлади. Бундай кишиларни эл эъзозлаяпти.

Лекин орамизда шундай кимсалар борки, улардаги шахсиятпарастлик, манманлик чуқур илдиз отиб, аччиқ мева бераётгани ачинарлидир. Ҳузуримизга икки аёл хаяжон билан кириб келишди. Кўринишдан улар бир-бирига жуда ўхшашарди. Билсак, эгизак — Фотима ва Зуҳролар экан. Фотима содда кийинган, босиқ аёл экан, Зуҳро ўта танноз, башанг кийинган, пардозандозни ошириб юборган. Улар оталаридан қолган ҳовлини талашиб, арзга келишибди.

Фотиманинг етти фарзанди бўлиб, эри ўтган йили автомобиль фалокатидан ўлган экан. Узи фаррош бўлиб ишлаб, етимларни боқаётганлигини йиғлаб-йиғлаб, ўксиниб гапириб берди. Зуҳронинг ёлғиз ўғли бор экан. Мерос талашиб, опасига ҳовлини бермаслигини, агар суд Фотимага беришга қарор қилса ўт қўйиб, кулини кўкка совуришини айтди. Эри ресторан директори, ўзи эса сотувчи экан.

Эсиз. Биз ҳаётда эгизакларни бир-бирларига ташқи томондан ўхшашларидан ташқари, хусусиятлари, дунёқарашлари ҳам ўхшашини, энг муҳими улар бир-бирларига ниҳоятда меҳрибон бўлишларини кўрган эдик. Лекин кўз олдимизда турган Фотима-Зуҳролар бутунлай бошқача...

Ажабо, мол-дунё учун одам шунчалар тубанликка кетмаса?! Бева опасига оғир кунда ёрдам қўлини чўзиш, дардига малҳам бўлиш ўрнига, бир парча ер деб шунчалик пастлик қилса?! Бундай кимсаларга йўл-йўриқ, маслаҳат кўрсатишга ақл ожизлик қилади, уларга панд-насиҳат ҳам хайф! Бир қориндан талашиб тушган жигарларнинг ўзаро низосини эшитишдан оғир ҳолат йўқ бўлса керак. «Бўлмаганга бўлишма» деб бежиз айтишмаган-да.

Етти ет бегоналардан мурувват кўрган инсонлар ҳам кўп экан. «Бир эшик берк бўлса, бири очиқ» дейишади-ку.

— Хизмат юзасидан сафардан қайтаётган эдим, — деб ҳикоя қилди илмий ходимимиз Дилоромхон. — Вақт алламаҳал бўлган. Поезд бир маромда гулдурлаб бораяпти. Бекатга яқинлашиб тўхтади. Купега бир кампир-онахон кириб келди. Саломлашдим. Она ҳорғин, юзларида ғам, ташвиш. «Бемаҳалда бир ўзлари қаерга кетяптилар?» — деб ўйладим. Кампир «ух» тортиб тугунчасини ёнига қўйди. Қалтироқ қўллари билан рўмолини тузатиб, бир оз тин олди.

Мен кампирга қараб, ўзимни ноқулай сездим. Нима деб гап бошлашга ҳам мулоҳаза қилиб, чой қуйиб узатдим.

— Раҳмат, болам — она қуриган лабларини ялаб чойдан хўплаб деди. — Айланай болам, менга эътибор берманг, ўзим шундай...

Кампирнинг кўзларидан ёш оқарди. Томоғига нимадир тиқилгандек қийналарди.

— Тинчликми, бувижон? — дедим ташвишланиб.

— Нотинчлик болам, тинч бўлсам ярим кечада иссиқ ўрнимда ётмасмидим. Қаранг, ёлғизимникига сиғмадим. Келиним тушмагур жуда тез... Кўпдан бери авзойи бузилиб, оғзига келган гап билан ҳақоратларди. Бугун ўғлим йўғида роса хўрлади, қўлидаги косани отди, яхшиям тегмади.

Она оғир изтироб чекаяпти... Қалби пораланиб кетаётганлиги билинниб турибди. Тасалли беришга ожизман, узоқ гаплашиб ўтирдик. Аҳвол оғир, очиғи мушкул.

— Ота вафот этганларми, бувижон?

— Оҳ болам, урушга кетиб, қайтиб келмаган. Зокиржон ёшга етмаган бола эди. Кута-кута кўзларим нигорон бўлди.

— Кечирасиз, бувижон, қаерга кетаяпсиз?

— Тошкентда бир танишим бор, у ҳам бева. Ушаникига кетяпман. Рози бўлса ўша ерда қоламан.

Во ажаб, бу не ҳол! Шу ёшда бировнинг эшигини қоқиб, бошпана сўраб юрса бу ўта бедодлик-ку! Хаёлларимни йиғиб ололмай, каловланиб қолдим. Кўз олдимда онанинг сўтак ўғли, қаҳри қаттиқ келинининг совуқ башараси намоён бўлди.

Мен хаёлга чўмиб кетибман. Тошкентга ҳам етиб келибмиз. Она бир ўриндиққа ўтириб, безовта ҳолда деди:

—Вақт анча бўлгандир-а? Ҳали қоронғи, энди шу ерда ўтириб тураман, тонг отгач, йўлга чиқарман.

Она тугунчасини ечиб:

— Айланай, эсим қурсин мана, буни енг, — деди беш-олти туршакни қўйиб. — Ўзим эккандим, қантак ўрик. Қариб қолди, лекин ҳали ҳам мева беради.

Чигаллашиб кетган фикрларимни тўпплолмай қолдим. Нима қилсам экан? Бирдан хаёлимга бир фикр келди. Севиниб кетдим:

— Бувижон, юринг, сизни мен уйга олиб кетаман.

Она ҳайрон бўлиб менга қаради:—«Ҳеч қаерга бормайсиз, мен билан яшайсиз, онам бўласиз».

— Қандай бўларкин, болам?—деди кампир маъюс.

— Ҳаммаси яхши бўлади, — дедим меҳр билан. Она рўмолини тузатиб, тугунчасини кўтариб менга эргашди... Шу воқеага мана орадан тўққиз йил ўтди, — деди Дилоромхон ҳикоясини тугатиб.

— Ўғли қидириб келмадими?—ҳайратланиб сўрадик.

— Йўқ.

— Во ажаб, аблаҳ экан-ку!..

Қаранг-а, онладан бир инсон, яна она чиқиб кетиб, дом-даракси йўқолса-ю, фарзанд лоқайд бўлса. Биз кўп нохушликларни эшитганмиз, лекин бунақа кўнгилсизлик, очиғи мунофикликни ҳеч билмаганмиз.

Донолар айтади:

Айрилиш осондир истаган пайтинг,
Аммо ошнолик-чи, осонми айтинг!!

Ўғил ва келин бу жабр-зулми учун ҳаётда жазосини тортади. Бола-чақасидан жавобини олади.

Дилоромхон ҳикоясида давом этиб бундай деди:

— Онамизор экан, ўғлини, невараларини тез-тез эслайди. Пинҳон йиғлайди. Шунда мен: «Бувижон, Фарғонага бориб келасизми?», десам, ўйчан «Қайдам!» — деб сукут сақлайди. Фарзандларим бувига жуда ўрганиб қолишган, бир зум кўришмаса ғалати бўлишади.

Феълингиздан барака топинг, Дилором! Чин инсон экансиз. Ҳаёт сизни доим эъзозласин. Одамлар бор — қалби гул, одамлар бор — тикан. Инсон дунёга келганида «Бахтли, саодатли, инсофли, товфиқли, ризқли-насибали бўлсин!» деб ният қиламиз. Одамлар меҳр-оқибатли, динётли ва эътиқодли бўлишсин.

Қумри АБДУЛЛАЕВА,
Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий текшириш институтининг катта илмий ходими, педагогика фанлари номзоди.

Телепрограммалар

21 майдан—27 майгача

Душанба, 21

● ЎзТВ I

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Инзеледа, Инзеледа». Телефильм.
18.10 Қизиқарли математика.
18.40 «Томчи», «Кунлардан бир куни саҳрода». Мультфильмлар.
19.00 «Деҳқон юмушлари». Дўстлик ноҳиясидан кўрсатув.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Ёзувчи ва замон». 20-йилардаги адабий оқимлар ҳақида.
20.20 «Индамас». Телефильм.
20.30 Москва. «Время».
21.00 Рустам Ғойипов куйлайди.
21.40 Долзарб мавзу.
22.00 «Ахборот».
22.20 Ойнаи жаҳонда биринчи март. «Мис фариштa». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Барча постлар диққатига». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
19.25 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Қишлоқ муаммолари». Янгийўл ноҳияси дала меҳнаткашларининг ишлари ҳақида.
20.10 «Кўчма курортлар». Телефильм.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Қулоққа чалинган суҳбат». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 Мультфильмлар: «Олтин сочли қиз», «Ўрмон воқеаси», 8.35 Футбол шарҳи.
9.05 «Зитаровлар оиласи» Олти серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия (Рига киностудияси). Премьера.
10.15 «Делегатскаядаги музей». Каргополь.
10.45 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади.
11.00 «Ҳайвонот оламида».
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 А. Вивальди. Концерт.
15.30 Илмий хабарнома.
16.30 «Фестиваль белгилари».
17.00 Болалар соати (француз тили дарси билан).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Мезон». Д. Волкогоновнинг «Зафар ва фожиа» китоби ҳақида (Сталиннинг сиёсий портрети).
18.50 «Биз ва иқтисодиёт». Бозор: ГФРда бу қандай амалга оширилади? 1-кўрсатув.
19.20 «Эртага — премьера». СССР халқ артисти В. Плучек ижоди ҳақида.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 Футбол шарҳи.
21.35 «Чардаш Монти». Телевизион бадиий фильм (Братиславанинг «Колиба» студияси ва «Союзтелефильм» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси). Премьера.
23.00 «Позиция». «Душман — рақиб — оппонент — шерик...». Совет — Америка муносабатларининг ривожланиши ҳақида.
24.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув кўрсатувлари

8.15 Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.35 Тарих. 9-синф. Ишчилар синфини озод этиш учун кураш иттифоқи.
9.05 Итальян тили.
10.05 Илмий-оммабоп фильмлар программаси: «Геометрик фантазиялар», «Симметрия».
10.35, 11.35 Биология. 7-синф. Моллюскалар нима ўзи?
11.05 «Онам, дадам ва мен» (2 ойдан 3 ойгача бўлган чақалоқлар парвариши).

*

12.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Жасоратла мангусан мудом». 1-серия («Экран»).

* * *

16.30 «Хайём рубоийлари». Т. Шаҳидий мусиқасига яратилган фильм-балет («Тожикфильм»).
17.35 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Баҳор» (Мурманск).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 Телевизион мусиқий абонемент. А. С. Пушкин номли Давлат тасвирий санъат музейидаги концертларда. 2-кўрсатув.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи». 2-қисм.
19.45 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. ХХР — СССР терма командалари. ХХРдан кўрсатилади.
20.30 «Кинологни ити билан таклиф этамиз». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ленинград).
21.00 «Яшил чироқ».
22.10 Гандбол. СССР чемпионати. Эркаклар. АСК (Минск) — «Динамо» (Астрахань).

Сешанба, 22

● ЎзТВ I

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Дунганча тўй», «Умр мобайнида». Телефильмлар.
18.20 «Алиса мўъжизалар мамлакатида» туркумидан мультфильм. 1-фильм.
18.30 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.00 «Пилла — бойлигимиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан.
20.15 «Оби шифо». Телефильм.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Дил оҳанглари». Мусиқий кўрсатув.
21.40 «Инқилоб мусиқаси», «Сўт Нептун». Катталар учун мультфильмлар.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Зомби» варианти». Бадиий фильм («Мосфильм»).
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Компьютер давлат автомобиль бошқармаси хизматида» (рус тилида).
18.30 «Калаванинг учи». Бадиий фильм («Ленфильм»).
19.40 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Боғларга чорлаймиз».

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Инсон қушлар ортидан боради». Бадиий фильм.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 Мультфильмлар: «Ёз ҳузурида меҳмонда», «Қароқчининг ёзишмалари».
8.35 «Зитаровлар оиласи». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серияларр.
10.55 Болалар соати (француз тили дарси билан).
11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
15.15 Ярославль электр-ремонт заводининг «Юность» халқ киностудияси ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Киров шаҳри).
15.45 «Хор плюс биз».
17.00 «Инсониятга дахлдор». 1990 йилнинг апрель ойида Москвада бўлиб ўтган оммавий ахборот воситалари XI Жаҳон конференцияси ҳақида.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Григ ҳақида афсона». Мультфильм.
18.45 «Биз ва иқтисодиёт». Бозор: ГФРда бу қандай амалга оширилади? 2-кўрсатув.
19.15 «Зитаровлар оиласи». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия (Рига киностудияси). Премьера.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 «Сиз бунга қодирсиз». Шифокор Х. Алиевнинг янгича руҳий даволаш усули ҳақида.
21.45 «Мен ёввойи ҳайвон ўрнига қафасга кирдим... Иосиф Бродский». Фильм-концерт.
22.55 Джаз портрети.
23.45 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув кўрсатувлари

8.15 «Шуъла асири». Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.35 Теварак-атроф билан танишиш. 2-синф. Кўча ҳаракати қоидаларига ҳурмат сабоқлари.
8.55, 9.55 «Мастер, Маргарита... Испанчадан эркин таржима». Илмий-оммабоп фильм.
9.05 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Жўғрофия. 7-синф. Ер шарининг жўғрофик қобиғи.
11.05 Рус тили.

*

12.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Жасоратла, мангусан мудом». 2-серия.

* * *

13.15 Ритмик гимнастика.
16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Чордоқдаги тажриба» (Свердловск).
17.30 Ритмик гимнастика.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 **РСФСР халқ депутатлари биринчи съездида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи». 3-қисм.

Чоршанба, 23

● ЎзТВ I

11.30 «Унутилган кемалар тақдири». Телефильм.
12.00 «Флейта». Ҳужжатли фильм.
12.30 «Барча постлар диққатига». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Саратовдан таъзим». Телефильм.
18.10 «Алиса мўъжизалар мамлакатида» туркумидан мультфильм. 2—3-фильмлар.
18.30 «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».
19.00 «Ҳуқуқ ҳаётимизда». Ҳуқуқий давлат муаммолари ҳақида.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Долзарб мавзу.
20.25 Реклама.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Лазги» ашула ва рақс ансамблининг янги программаси.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Эрта келган турналар». Бадиий фильм («Қирғизфильм» — «Ленфильм»).
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

17.50 Спорт кўрсатуви. «ДОСААФ — жасорат майдони» (рус тилида).
18.20 М. А. Шолохов туғилган кунининг 85 йиллигига. «Инсон тақдири». Бадиий фильм («Мосфильм»).
20.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. Тошкент вилояти партконференцияси олдидан.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Нури зиндаги». Колхозобод райони.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Терговни бўғирсоқлар олиб боради». Мультфильм. 1, 2 ва 3-сериялар.
8.25 «Зитаровлар оиласи». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 2 ва 3-сериялар.
10.40 РСФСР Давлат духовой оркестри чалади.
11.00 «Саёҳатчилар клуби».
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 Компьютер билан мулоқот.
16.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
17.00 Олмаота — Хиросима телекўприги. «Дунё сайловчилари ядро қуролига қарши».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Ҳаракат хавфсизлиги учун.
19.00 «Нодипломатик суҳбатлар». Кўрсатувда сенатор Эдвард Кеннеди иштирок этади (АҚШ).
19.20 «Зитаровлар оиласи». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. Премьера.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 «Менинг Чайковскийим». М. И. Прудкин ҳикоя қилади.
21.50 «Тинч Дон» асарини компьютер ўқийди.
22.10 «Пешқадамлар паради». «Вечерняя Москва» газетасининг мусиқий марафони.
23.40 «Ёддан чиқармаганлар ҳақида». Телевизион ҳужжатли фильм (Ленинград).
00.10 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. Финал. «Бенфика» (Португалия) — «Милан» (Италия). Австриядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

16.30 «Илья Сельвинский. Йўл бошида». Телевизион ҳужжатли фильм.
17.10 «Студиямизда Антон-квартет».
17.25 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Ингерманландия ери» (Ленинград).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 **РСФСР халқ депутатлари биринчи съездида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи». 4-қисм.

Пайшанба, 24

● ЎзТВ I

11.30 «Бегим Донбоев имконияти». Телефильм.
12.00 «Доира оҳангида». Фильм-концерт.
12.30 «Инсон тақдири». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Табиатни асрайлик», «Эртанги кундан умидвормиз». Телефильмлар.
18.15 «Агар мен дадам ўрнида бўлсам...» Мультфильм.
18.30 Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан.
19.00 Пахтакорларнинг шу кундаги вазифалари.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Алифбо сабоқлари».
20.20 «Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар беради».
20.30 Москва. «Время».
21.00 Ўзбек куйларидан концерт.
21.40 «Даврга ҳамоҳанг». Телефильм.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Хотиржамлик бекор қилинади». Бадиий фильм («Мосфильм»).
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 Регби. СССР чемпионати. «Звезда» (Тошкент) — АСК (Олмаота). Репортаж (ёзиб олинган).
18.45 «Театр ва томошабин». «Дард» театр-студияси ҳақида (рус тилида).
19.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Пионер ёзига тайёрмисиз?» Ўзбекистон телевидениеси ва «Тошкент ҳақиқати» газета редакциясининг биргаликдаги рейди.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби К. М. Маҳкамовнинг Тожикистон Компартияси XXI съездидаги ҳисобот маърузаси.
23.00 Тожикистон Компартияси XXI съезди кундалиги.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 Мультфильмлар: «Терговни бўғирсоқлар олиб боради. 1-тергов», «Терговни бўғирсоқлар олиб боради. Аср ўғирлиги».
8.35 «Зитаровлар оиласи». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3 ва 4-сериялар.
11.05 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. Финал. «Бенфика» (Португалия) — «Милан» (Италия). 1-тайм. Австриядан кўрсатилади.
11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
12.40 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. Финал. «Бенфика» (Португалия) — «Милан» (Италия). 2-тайм. Австриядан кўрсатилади.

* * *

15.15 «Севимли аёл портрети». Телевизион ҳужжатли фильм (Свердловск).
15.55 Болалар учун фильм. «Тоғдаги ғор сирлари» (М. Горький номли киностудия).
17.10 «Гармонь янграган жойга борамиз». Пятигорскдан кўрсатилади.
17.40 «Қора терга ботиб». М. А. Шолохов ижоди ҳақида ҳужжатли фильм премьераси (Ростов кинохроника студияси).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.15 Шеърият лаҳзалари.
19.25 «Зитаровлар оиласи». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. Премьера.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Долзарб интервью.
21.10 Кулги кечаси.
22.40 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув кўрсатувлари

8.15 Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.35 Табиатшунослик. 4-синф. Бақувват бўлмоқчиман.
9.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Биология. 8-синф. Жониворлар табиатда.
11.05 «Қозоқфильм» киностудиясининг илмий-оммабоп фильмлари.

*

12.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Жасоратла мангусан мудом». 4-серия.

* * *

13.10 Ритмик гимнастика.
16.30 «Қўшиқ инсон билан қолади. «Алёша» (К. Ваншенкин, Э. Колмановский).
17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Омад тилаймиз, Нузҳар» (Чита).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 **РСФСР халқ депутатлари биринчи съездида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи». 5-қисм.

Жума, 25

● ЎзТВ I

11.30 «Ҳаёлот». Фильм-концерт.
12.00 «Мерос». Бадиий фильм («Мосфильм»).

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 Янгиликлар.
17.40 Болалар учун фильм. «Капитан Врунгелнинг янги саргузаштлари» (М. Горький номли киностудия).
19.00 Хизмат кўрсатиш тармоқлари. Савдо дўконларида ижара усули.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Санъат олами». Мўйқалам соҳиблари.
20.20 «Одобнома».
20.30 Москва. «Время».
21.00 Тошкентда Ўзбекистон вилоятлари ва Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти маданияти кунлари. Ойнаи жаҳонда — Бухоро.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар» (рус тилида).
18.55 Камер куйлар кечаси.
19.15 «Шахсий мулоҳаза». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 Тожикистон Компартияси XXI съезди кундалиги.
21.40 «Чорсанглик тўртовлон». Телевизион бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Эртага бувимнинг туғилган куни». Мультфильм.
8.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
9.05 А. Калнциема чалади (клавесин).
9.30 «Инсон. Ер. Коинот».
10.30 Туркманистоннинг мусиқий фольклори.
11.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 «Бугунги Африка».
16.15 «Мусиқий хазина». А. Даргомижский романсларини СССР халқ артисти Е. Образцова ижро этади.
17.10 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Венгрия, 90-йилнинг баҳори».
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 Брейн ринг. «Нима? Қаерда? Қачон?».
21.55 «Бу бўлган... бўлганди...».
22.25 «Нигоҳ».
23.45 «ТСН» Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув кўрсатувлари

8.15 «Олимпда ўрнингизни эгалланг». Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.35 Табиатшунослик. 4-синф. Қадрдон ер.
9.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Жўғрофия. 6-синф. Н. Н. Миклухо-Маклай тадқиқотлари.
11.05 «Леннаучфильм» киностудияси илмий-оммабоп фильмлари программаси.

*

12.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Жасоратла мангусан мудом». 5-серия.

* * *

16.30 Поэзия. В. Низмал.
17.00 **РСФСР халқ депутатлари биринчи съездида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи», 6-қисм.

Шанба, 26

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иқбол». Қизлар баҳси.
12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». Тошкент ва Бухоро вилоятлари командалари учрашадилар.
12.45 Ойнаи жаҳонда биринчи март. «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак». Бадиий фильм («Ленфильм»).
14.05 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Мусиқий кўрсатув.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Кураш». Мультфильм.
18.15 «Жилға жилови мироб қўлида». «Бухарагирстрой» трестининг ютуқ ва муаммолари.
19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Хотира». СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятов туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланади.
20.30 Москва. «Время».
21.00 Оқшом эртаклари.
21.15 «Мусиқа жавони».
21.55 Реклама.
22.00 «Ҳафтанома».
22.40 «Қирол Лир». Бадиий фильм. 1-серия («Ленфильм»).
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Тилло Пўлоди шеърлари асосида адабий-мусиқий кўрсатув.
9.55 Тожикистон Компартиясининг XXI съезди.
12.00 «Кўзёшлар оролидаги икки киши». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Кўзёшлар оролидаги икки киши». Бадиий фильм.
19.30 «Новости».
19.50 «Донишчу». Калинин номидаги Тожикистон физкультура институти.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Бегараз панд...». Миниатюралар телетеатри.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Панчи суруд». Зафар Нозимов.
23.30 «Барча юлдузлар». Телефильм.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Онам, дадам ва мен».
8.35 «Бурда моден» таклиф этади...».
9.05 «Рақсга таклиф». Фортепьяно куйларидан концерт.
9.25 «Дўстларимнинг нафис ҳислатлари...». Биринчи учрашув: «Севги, фантазия ва муваффақиятлар қўлимизда». Киров шаҳрилик халқ ўйинчоқлари устаси В. Жигальцев ҳақида.
10.15 «Партнёр». Тижорат хабарномаси.
10.45 В. Зажигин чалади (балалайка).
10.55 «Пи» белгиси билан» кўрсатуви саҳифаларида.
11.55 «Стоп-кадр». Илмий-оммабоп кўрсатув.
12.55 «Сувдаги цирк».
13.45 Онла экрани. «Тунги ташриф». Телевизион бадиий фильм («Ленфильм»).
15.15 Сиёсий мулоқотлар.
16.00 П. И. Чайковский. «Орлеан қизи». СССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг спектакли.
18.30 «Халқаро панорама».
19.45 Режиссёр К. Кийск фильмлари. «Улим азобини ўлганлардан сўра» («Таллиннфильм»).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Долзарб интервью.
21.10 «Тафтиш». РСФСР халқ артисти Е. Петросян иштирокида спектакль премьераси.
23.10 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг».

● МТ II

7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари.
7.45 «Матбуот клуби» ижодий уюшмаси таништиради. «Бу қурашда».
8.55 **РСФСР халқ депутатлари биринчи съездида.**
11.55 «Биз яшаётган олам». Режиссёр М. Литвяков фильмлари: «Тарбияси оғир болалар», «Кўришгунча хайр, она», «Шундай сабаблар бор» («ЛСДФ»).
13.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали.
15.30 «Боғбон». Бадиий фильм, субтитр билан («Ленфильм»).
18.10 «Лабиринт». Мультфильм.
18.30 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. СССР—ХХР терма командалари. Ригадан кўрсатилади.
19.45 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз меҳмондамиз».
19.30 «Бой берилган даҳо ёки истеъдодли бўлиш қанчалар бефойда эканлиги ҳақида асар».
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
21.00 «Янграсин садолар, жаранглансин карнайлар». Ж. Верди. «Марсия».

Тунги сеанс

22.35 «Мусиқий воқеалар». Киноконцерт.
23.25 «Қорачадан келган киши кечқурун». Бадиий фильм (Польша).

Якшанба, 27

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

*

10.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Компьютер сабоқлари» (такрор.).
10.30 «Сиз севган қаҳрамонлар». Кинокўрсатув.
11.30 Спорт кўрсатувлари. 1. «Шоҳруҳ» клуби. 2. Футбол чорраҳаларида.
12.30 Жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Илёс Маллаев билан учрашув.
13.45 «Деҳқон ва замон». Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув.
14.45 «Алифбо сабоқлари» (такрор.).
15.20 Реклама.

* * *

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Топишмоқлар куни». Мультфильм.
18.20 Болалар учун концерт.
19.00 «Кино жавонидан».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа.
20.20 Катталар учун мультфильм. «Хризантема боғи».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Қирол Лир». Бадиий фильм. 2-серия.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Саёда». Мусиқий ахборот.
10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама.
10.15 «Офарин!» Қувноқ спорт ўйинлари. Уратепа ва Оржоникидзеобод шаҳарларининг ўқувчилари мусобақалашадилар.
11.10 «Шифо». Тележурнал.
12.00 «Бу энди афсона эмас». Бадиий фильм.

* * *

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 «Қимматбаҳо бандероль». Мультфильм.
15.15 Реклама.
15.25 «Қалбларимизни асранг».
15.30 «Азобли дарёси». Телефильм.
15.50 «Новинки» киноклуби.
17.10 «Севги изҳори». М. Куренкеев номидаги Қирғизистон Давлат мусиқа билим юрти — 50 ёшда (рус тилида).
18.10 «Долзарб мавзу». Қирғизистон ФА академиги Т. Койчуев интервью-портрети.
19.00 «Жети кун».
19.30 «Акиндин элеси». Шоир А. Осмонов таваллудининг 75 йиллигига.
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Инглиз боғидаги канкан». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун.
7.45 Ритмик гимнастика.
8.15 «Спортлото» тиражи.
8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув.
9.30 «Ватан хизматида».
10.30 Тонгги дам олиш программаси.
11.00 «Дунё бўйлаб». Альманах.
12.00 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Урушнинг узундан узоқ йўллари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия («Беларусьфильм»).
13.15 «Здоровье».
14.00 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Учинчи шаҳзода» (ЧСФР).
15.30 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
16.45 «Шолоховга бағишланади». ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан кўрсатилади.

Якшанба кинозали

18.30 «Қайтишингни кутамиз, Капитошка». Мультфильм.
18.55 «Ринг». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 «Абадият ҳақида ўйлар». Якшанба ўгитлари.
21.15 «Дўстлик меридианлари». II халқаро фольклор фестивалининг очилиши. Киевдан кўрсатилади.

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг!
7.45 «Икки ўртоқ хизматда». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»).
9.20 «Экранда «01» хизмати». Ёнғиндан сақланиш ҳақида фильмлар.
9.50 Халқ оҳанглари.
10.05 «Она-замин ташвишида» туркумидан ҳужжатли фильм.
11.00 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати.
12.00 Мамлакат театрлари намойиш этади. А. Дударев. «Оқшом». Я. Колас номидаги белорус академик театрининг фильм-спектакли. Премьера.
14.00 «Совет Россияси» видеоканали.
16.30 «Планета». Халқаро программа.
17.30 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси туркумидан телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Киев).
18.00 Сув полоси. СССР кубоги. Финал.
19.00 СССР Давлат хавфсизлик комитети чегара қўшинлари намунали-кўргазмали оркестри чалади.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Фантазия машиналари».
19.45 «Инсоний бурчимизни ўтаб...». К. Иванов (таваллудининг 100 йиллигига).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
21.00 «Киносерпантин».

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Яшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 03236.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.